БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 112 (5703).

17

Май 1985 й.

ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорида КПСС Марказий Комитети уқтириб ўтдики, ҳозирги замон шароитида, социалистик тузумимизнинг бунёдкорлик кучлари, совет турмуш тарзининг афзалликлари тобора тўла-тўкис намоён бўлаётган бир пайтда коммунистик ахлоқ ва маънавийлик принципларига қатъий риоя этиш, зарарли одатлар ва сарқитларни, аввало, ичкиликбозлик, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш сингари яроқсиз ҳодисаларни тугатиш алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда мамлакатда ичкиликбозлик ва алкоголизм проблемаси кескинлашганлиги жиддий ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш юзасидан илгари белгиланган тадбирлар қониқарсиз амалга оширилмоқда. Шу социал хавфли иллатга қарши кураш лозим даражада уюшқоқлик ва изчиллик билан эмас, кампаниячилик билан олиб борилмоқда. Бу ишда давлат ва хўжалик органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратлари етарли даражада мувофиқлаштирилмаган.

Алкоголизмга қарши пропаганда чинакамига авж олдирилмаган. Кўпинча у ўткир масалаларни четлаб ўтади, жанговар характерда олиб борилмайди. Аҳолининг катта қисми ҳушёрлик руҳида тарбияланмаяпти, спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг ҳозирги ва айниқса келажак авлодлар соғлиги учун, умуман жамият учун зарарли эканидан етарли хабардор эмас. Оммавий ахборот воситаларида, айрим адабиёт асарларида, кино ва телевидениеда спиртли ичимликларни «маданий», мўътадил истеъмол қилиш ғоялари тарғиб қилинаётганлиги, турли-туман зиёфатлар ва ичкилик билан ўтказиладиган расм-русумлар жозибадор тарзда тасвирланаётганлиги фактларига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Кўпгина партия, совет, жамоат ташкилотлари ичкиликбозликни қандайдир муқаррар ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳодиса деб билишдан иборат асоссиз фикрларга кескин зарба бермаяптилар. Спиртли ичимликни суиистеъмол қилиш кўпинча ғайриахлоқий, ғайри социал хулқ-атвор деб баҳоланмаяпти. Ичкиликбозларга нисбатан қонун ва жамоатчилик фикрининг кучидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

Совет кишиларининг жуда кўпчилиги спиртли ичимликни истеъмол қилиш катта иқтисодий ва маънавий зиён етказишини, унга жамиятимиз турмушида тоқат қилиб бўлмаслиги хусусида яқдилдирлар. Улар марказий ва маҳаллий органларга ёзаётган хатларида ичкиликбозликни, алкоголизмни ва самогон қилишни таг-туби билан тугатиш юзасидан амалий чоралар кўришни талаб қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этишни қаттиқ сиёсий аҳамиятга молик социал вазифа деб билиб, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларидан, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларидан, СССР министрликлари ва идораларидан, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларидан, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларидан, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларидан ва хўжалик раҳбарларидан алкоголизмга қарши курашни кескин кучайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳар томонлама асосланган ташкилий, маъмурий-ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга оширишни талаб қилди.

Бу ишга чинакам оммавий, умумхалқ тусини бериш, ҳар бир меҳнат коллективида ичкиликбозликка, меҳнат интизоми ва тартибини ҳар қандай бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш зарурлиги таъкидланди. Корхоналарда, ташкилотларда, муассаса ва ўқув юртларида уюштирилаётган банкетлар ва қабул маросимларида спиртли ичимликлар истеъмол қилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб қўйилсин.

Партия ташкилотларига спиртли ичимликларни суиистеъмол қилаётган, ичкиликбозлик фактларининг пайини қирқмаётган, бу иллатга қарши курашда бевосита қатнашишдан бўйини товлаётган партия аъзоларига ва аввало, раҳбар ходимларга нисбатан талабчанликни кучайтириш таклиф этилди. Спиртли ичимликларга ружу қилган, ичкиликбозликлар ташкил қиладиган партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол раҳбарларини эгаллаб турган лавозимларидан бўшатиш, коммунистларни эса бунинг учун КПСС сафидан чиқаришгача қаттиқ партиявий жавобгарликка тортиш зарур.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетига, маҳаллий партия комитетларига ва уларнинг партия комиссияларига ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш юзасидан белгиланган тадбирларга оғишмай риоя этилиши учун коммунистларга нисбатан оширилган талаблар қўйиш ҳақида кўрсатма берилди.

КПСС Марказий Комитети шуни таъкидладики, ичкиликбозликка қарши актив курашишнинг, самогон қилишни ҳамма жойда тугатиш учун курашишнинг шахсан намунасини кўрсатиш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир раҳбарнинг бурчидир.

СССР Фан ва техника давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига, СССР Медицина фанлари академиясига ва СССР Педагогика фанлари академиясига манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг олдини олиш ҳамда тугатишнинг умумдавлат комплекс программасини ишлаб чиқиш, бу проблеманинг социал, иқтисодий, демографик, тарбиявий, ҳуқуқий, психологик ва медицина-биологик жиҳатларини акс эттириш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, КПСС ўлка ва область комитетларига меҳнат ва ўқув коллективларида, аҳолининг истиқомат жойларида, айниқса, ётоқхоналарда алкоголизмга қарши курашни кучайтириш юзасидан партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, соғлиқни сақлаш органларининг масъулиятини оширишни топширди, бу ишни меҳнат, ишлаб чиқариш интизоми ва жамоат тартибини мустаҳкамлашнинг, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари турмушини соғломлаштиришнинг зарур шарти деб уқтирди. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш инсон соғлиғини ҳароб этишини, бўлажак авлодларга ҳалокатли таъсир қилишини, жамиятга катта моддий ва маънавий зиён етказишини аҳолига маҳорат ва сабот билан тушунтириб берилсин.

ВЦСПСга ичкиликбозларга нисбатан қонунда кўзда тутилган чораларни, чунончи, мукофотлардан, йиллик иш якунлари юзасидан бериладиган қўшимча ҳақдан, дам олиш ва санаторийга бериладиган йўлланмалардан, бошқа имтиёзлардан маҳрум қилиш чораси оғишмай қўлланилиши устидан қаттиқ жамоат контроллигини таъминлаш, СССР касаба союзларининг Уставида ва СССРнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунида бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланиш тавсия қилинди.

Меҳнаткашларнинг, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишни яхшилаш, бўш вақтдан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган шароитларни яратиш, ҳар хил машғулотларга қизиқувчилар клублари тармоғини, шу жумладан истиқомат жойида ҳам ривожлантириш ишларни уюштириш ва ўтказишда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлиги уқтириб ўтилди. Бунда маданий-маърифий, туристик, экскурсия ишини, бадиий ҳаваскорлик ва илмий-техникавий ижодкорликни ривожлантириш учун касаба союзларининг моддий базасидан имкони борича самарали фойдаланиш, коллектив боғдорчилик ва полизчиликни рағбатлантириш лозим. Санаторийлар, дам олиш уйлари, профилакторийларда, туристик базалар ва туристик юришларда, меҳнаткашларнинг коллектив бўлиб дам олишга чиқишини уюштиришда, шунингдек ҳамма турдаги жамоат транспортида спиртли ичимликлар сотиш ва истеъмол қилишга йўл қўйилмасин.

Ҳамма жойда 21 ёшга етмаган кишиларга спиртли ичимликлар сотишни тақиқлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетига, комсомол комитетларига ёшларни алкоголизмга қарши руҳда тарбиялашни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблаш, ўсмирларни спиртли ичимликларга жалб қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга нисбатан муросасиз бўлиш, ёшларнинг кечаларида ва шунга ўхшаш бошқа маросимларда спиртли ичимликлар ичилишига йўл қўймаслик, ўқувчилар, студентлар орасида, ёшларнинг ётоқхоналарида спиртли ичимликлар истеъмол қилинишини бутунлай тугатишга эришиш таклиф қилинди.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, СССР Маориф министрлигига ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига ВЛКСМ Марказий Комитети иштирокида барча ўқув юртларида ёшларга алкоголизмга қарши таълим беришнинг ягона системасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди.

Идеология муассасалари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, ижодий союзлар, «Билим» жамияти алкоголизмга қарши пропагандани қатъиян яхшилашлари, одамларни ҳушёрлик руҳида, ичкиликбозликка нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашлари, ҳатто оз миқдордаги спиртли ичимликнинг ҳам одамлар соғлиғига зарарини, шунингдек, унинг ижтимоий ҳаёт ҳамма соҳаларига — экономикага, турмушга, одамларнинг маънавий қиёфаси ва онгига салбий таъсирини ишонтирарли тарзда яққол очиб беришлари зарур. Театрларга, киноларга, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларга, бадиий асарларга ичкиликни, зиёфатбозликни тарғиб қиладиган ғоялар суқуриб киришига йўл қўйилмасин.

Меҳнат коллективлари ва онлаларнинг ичкиликбозлик олдини олиш соҳасидаги тажрибасини, спиртли ичимликлар истеъмол қилинмайдиган янги анъаналарни, замонавий урф-одатларни кенг ёритиб бориш, ичкиликбозликни тугатиш соҳасида кўрилаётган тадбирларни доимо хабардор қилиб туриш мақсадга мувофиқ деб топилди.

ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Физкультура ва спорт комитети, министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ишлаб турган спорт залларидан, стадионлардан ва бошқа иншоотлардан самарали фойдаланишлари, микрорайонларда соғломлаштириш, маданий-тарбиявий иш олиб бориш учун ҳоналар ва майдончалар ажратиб жиҳозлаб қўйишлари, меҳнат коллективларининг, кўнгилли спорт жамиятларининг, аҳолининг энг оддий спорт иншоотлари қуриш соҳасидаги ташаббусини ҳар томонлама рағбатлантиришлари лозим. Ҳар бир меҳнат коллективи ихтиёрида ана шундай иншоотлар бўлишига муттасил интилиш керак. Аҳоли яшайдиган микрорайонларда оммавий спорт ишларини ўтказишда корхона ва муассасаларнинг оталиқ ёрдами тажрибаси сабот билан оммалаштирилсин.

СССР Министрлар Совети ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети иштирокида ўн иккинчи беш йилликда айниқса шаҳарларнинг янги уй-жой районларида ва қишлоқларда клублар, маданият саройлари ва уйлари, спорт иншоотлари қуриш ҳамда реконструкция қилишни кенгайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши назарда тутилади.

КПСС Марказий Комитети СССР Ички ишлар министрлигининг, СССР Прокуратураси, СССР Юстиция министрлигининг ва уларга қарашли органларнинг раҳбарларидан ичкиликбозликка қарши кураш соҳасидаги ўз фаолиятида жиддий камчиликларни тугатишни, спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш ҳолларини қатъиян тугатишни, самогон қилиш ва спиртли ичимликларни олиб сотишни таг-туби билан йўқотишни талаб қилди. Спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган кишиларни қайта тарбиялашда меҳнат коллективларига, жамоатчиликка ва гражданларнинг оилаларига ҳар томонлама кўмаклашсинлар. Давлат, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда ичкиликбозликнинг олдини олиш соҳасидаги ишни сабот билан ўтказсинлар.

СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Юстиция министрлиги, СССР Прокуратураси ва СССР Олий суди олдига ичкиликбозликка ва самогон қилишга қарши курашга оид қонунларнинг талаблари турмушга қатъият билан муттасил татбиқ этилишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

КПСС Марказий Комитети алкоголизмга қарши ҳаракатнинг оммавийлигини ривожлантиришга, бу ҳаракатни корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда, меҳнат коллективларида ёйишга аҳамият беринг, Ҳушёрлик учун кураш Бутуниттифоқ кўнгилли жамиятини тузишни ва унинг босма органини нашр қилишни мақсадга мувофиқ деб топди.

ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларида 1986 йилдан бошлаб арақ ва ликер-арақ ишлаб чиқариш ҳажмларини йил сайин қисқартириш, 1988 йилга борганда мевалардан вино ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатиш зарур деб топилди. Айни вақтда спиртсиз ичимликлар, шарбат, квас, мураббо, жем, мева, узум, резавор меваларни янгилигича, қуритилган ва музлатилган тарзда ишлаб чиқариш ва сотишни анча кўпайтириш таъминлансин.

Ичкиликбозлик, алкоголизм ва самогон қилиш билан боғлиқ ножўя ишлар учун жамоат таъсир чораларининг самарадорлигини, интизомий, моддий, маънавий ва жиноий жавобгарликни оширишни, шунингдек бу ишда халқ депутатлари Советларининг, меҳнат коллективларининг, жамоатчилик асосида ишловчи органларнинг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ролини кучайтириш ҳамда ваколатларини кенгайтиришни назарда тутиб, иттифоқдош республикаларнинг қонунларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тавсия қилинди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, САМОГОН ҚИЛИШНИ ТУГАТИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, СССР министрликлари ва идоралари зиммасига ичкиликбозликка, алкоголизмга, самогон қилишга қарши ва хонадонларда бошқа ўткир спиртли ичимликлар тайёрлашга қарши курашни кескин кучайтириш вазифасини юклади. Шу мақсадда:

ичкиликбозлик ва алкоголизмни келтириб чиқарадиган сабаблар ва шароитларни тугатиш соҳасида меҳнат коллективларининг, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг фаолияти кучайтирилсин;

барча коллективларда ичкиликбозликнинг ҳар қандай фактларига нисбатан чидаб бўлмайдиган муносабатни вужудга келтириш учун корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг масъулияти оширилсин;

гражданлар ва айниқса ёшлар ижтимоий-сиёсий ҳаётга, илмий-техника ижодкорлигига активроқ жалб этилсин, бадиий ҳаваскорликка, санъатга, физкультура ва спортга астойдил қизиқиш уйғотилсин;

ишлаб чиқаришда ва жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичилишига йўл қўяётган, шунингдек самогон қилиш ва алкоголли ичимликларни олиб сотиш билан шуғулланаётган кишиларга нисбатан қонунларда кўзда тутилган таъсир чоралари зўр қатъият билан қўлланилсин.

СССР Халқ контроли комитети ва унинг жойлардаги органларига партия билан ҳукуматнинг ичкиликбозликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган қарорларини бажармаётган мансабдор шахсларга нисбатан ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланиш, меҳнат коллективларида ичкиликбозлик қилиш фактларининг, спиртли ичимликлар ичиладиган турли-туман маросимлар уюштиришга давлат ва жамоат маблағини сарфлаш ҳолларининг пайини қатъиян қирқиш, айбдорларни жуда қаттиқ жавобгарликка тортиш, ҳатто эгаллаб турган лавозимидан четлаштириш таклиф этилди.

СССР Ички ишлар министрлигига жамоат жойларидаги ичкиликбозлик фактларини тугатиш чораларини кўриб, ички ишлар органларининг кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, ҳуқуқ бузиш ҳолларининг олдини олиш кенгашлари, тартибни сақлаш жамоат пунктлари ва жамоатчилик асосида иш кўрувчи бошқа ташкилотлар билан ўзаро актив алоқада иш олиб боришларини таъминлаш топширилди. Спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган кишиларни даволаш ва қайта тарбиялашни ташкил этишда меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига ва оилаларга кўмаклашилсин.

(Давоми иккинчи бетда).

ЛЕНИНГРАД ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ЛЕНИНГРАД, 15 МАЙ. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қаҳрамон шаҳарнинг ҳаёти, ленинградликларнинг меҳнати билан танишди. Корхоналар, майдонлар ва кўчаларда бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида шаҳар меҳнаткашлари ва аҳолиси КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқулладилар, партиянинг мамлакатда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, исрофгарчиликка, ичкиликбозликка, текинхўрликка ва бошқа салбий ҳолатларга қарши актив кураш олиб бориш юзасидан амалга оширилаётган дадил қарорлари ва куч-ғайратларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар. Партия билан халқнинг якдиллиги ана шу учрашувларнинг асосий моҳияти бўлди.

Ленинграддаги «Киров заводи» бирлашмаси ўзининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари билан машҳурдир. Бугун М. С. Горбачев ана шу корхонани бориб кўрди. Раҳбарлар, инженерлар ва техниклар, иккинчи смена ишчилари уни КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумининг қарорлари ва ғоялари қандай рўёбга чиқарилаётганлиги, КПСС XXVII съезди шарафига бирлашмада авж олдириб юборилган социалистик мусобақа қандай ўтаётганлиги билан таништирдилар.

Асосий эътибор фан-техника тараққиётини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этишга жалб қилинди. М. С. Горбачев механика цехларидан бирида эпчил автоматлаштирилган биринчи ишлаб чиқариш участкасининг иши — деталларни лойиҳалаш ва автомат усулда тайёрлаш системаси билан батафсил танишди. Бу системани корхонанинг конструкторлик ва технология бўлимлари ишлаб чиққан, системанинг барча тўртта компоненти локал ҳисоблаш техникаси билан боғланган. Бу эса меҳнат унумдорлигини кўп марта ошириш, деталларни лойиҳалаш ва тайёрлаш циклини икки-уч баравар қисқартириш, кўплаб ишчиларни бошқа ишга ўтказиш имконини бермоқда. Айни вақтда буларнинг ҳаммаси кадрларнинг янада юқори малакали бўлишини, меҳнат ва умуман ишлаб чиқариш аниқ-пухта ташкил этилишини талаб қилади.

Бу ерда Михаил Сергеевич ёш мастерлар билан суҳбатлашди, улар янги техникани зўр қизиқиш билан ўзлаштираётганликлари ва бирлашманинг истиқболини илғор технология билан боғлиқ деб билаётганликлари ҳақида сўзлаб бердилар. Биз техникани эгаллай оламиз ва шундай қилишимиз лозим, деди М. С. Горбачев, шу асосда олға томон тез ҳаракат қилиш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК



МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг В. Бочаев бошлиқ бригадаси коллективи корхонадаги энг илғорлардан ҳисобланади. Бригадада меҳнат қилаётган 21 ишчи ўз ишининг усталаридир. Шу боис-дан ҳам бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган илғор ишчилар кунлик топшириқларни 20—30 процентга ошириб бажаришмоқда. Сифат ҳам аъло даражада бўлаётир. Корхонада бригада илғорларига сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кафолот берилган. Барча тракторсозлар синфдан В. Бочаев бошлиқ илғорлар КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми қарорларини ўз зиммаларига олган мажбурият қабул қилишиб, унинг шараф билан бажарилиши учун фидокорона меҳнат қилишяпти.

Суратда: В. Бочаев бошлиқ бригада аъзолари.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

Барча совет кишилари каби тошкентликлар ҳам КПСС XXVII съездини янгидан-янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга тайёргарлик кўришяпти. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари шонли воқеа шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар, меҳнат унумдорлигини ошириш учун барча резервлардан фойдаланмоқдалар. Шунинг учун ҳам «КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик» мавзусида бўладиган ягона снёсий кун мазмуни ҳар бир кишига яқин ва тушунарлидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумида таъкидланганидек, ягона снёсий кунда республика Компартияси Марказий Комитети, область ва шаҳар партия комитетлари, район партия комитетларининг аъзолари, раҳбар кадрлар ва олимлар, фан намояндалари иштирок этадилар. Улар амалга оширилган ишлар ҳақида ва олдинда турган вазифалар тўғрисида сўзлаб берадилар. Ягона снёсий кун қатнашчиларн ва меҳнат коллективлари биргаликда КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ниманларга асосий эътиборни қаратиш зарурлигини белгилаб оладилар.

МАҚТОВГА ЛОЙИҚ

Яқинда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти вакиллари шаҳримиздаги агрегат заводи ихтирочилари ва рационализаторлари фаолиятини ўргандилар. Натижада завод ихтирочи ва рационализаторларининг иш тажрибаси бутун республика миқёсида оммалаштиришга тавсия этилди.

Бу ерда ўтган йилнинг ўзида 120 таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 140,2 минг сўмлик фойда олинди. Бундан ташқари 120 тонна металл, 84 минг киловатт соат электр қуввати тежалди.

Ижодий фикр эгаларн бу йил ҳам ўз олдиларига катта мақсадларни қўйиб меҳнат қилишяпти. Улар 137 минг сўм маблағни, 84 тонна металл ва 82 минг киловатт соат электр қувватини тежаб, тежалган маблағлар эвазига йил охирида икки кун ишлашга аҳд қилишди. Шу кунгача қўлга киритилган натижалар коллектив бу ваъдасини албатта бажаришидан далолат беряпти.

ШАХМАТ БЎЙИЧА СССР

КОМАНДА ЧЕМПИОНАТИ

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Қаҳрамон шаҳар — Волгоградда шахмат бўйича СССР команда чемпионати мусобақаларига старт берилди. Ғолиблик учун барча иттифоқдош республикалар, шунингдек, Москва ва Ленинград шаҳарлари терма командалари кураш олиб боришяпти.

Биринчи учрашувда халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов бошчилик қилаётган республикамиз терма командаси тожикистонлик шахматчилар билан учрашишди. Ҳамюртларимиз 6,5:1,5 ҳисобида дастлабки ғалабани қўлга киритдилар.

Биринчи турда қуйидаги натижалар қайд этилди. РСФСР — Қозоғистон — 4,5:3,5, Москва—Эстония — 4:4, Арманистон—Грузия — 3:5, Белоруссия—Туркманистон — 7,5:0,5, Ленинград — Қирғизистон 5:3, Украина — Молдавия — 5:3.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Ўзбекистон пойтахтидаги илғор корхоналардан бири — Сергелидаги ошхона ва бошқа мебеллар заводида «Н» (янгилик) индекси билан ошхона такомиллашган жавонлари термасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Буюмлар ўзининг безакланиши яхшиланганлиги ва барча буюмларининг қулайлиги билан ажралиб туради.

Корхонада яроқли чиқиндилардан ҳам кичик шаклда тўрт хил буюмни тайёрлашга киришилди. Улар майда юмушлар учун мўлжалланган чиройли шкафчалардир. Йил охирига қадар яна беш хил буюм ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

● Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида «Уйга борадиган узоқ йўл» кинолентасини яратиш ишлари ниҳоясига етди. Фильмнинг сценарий муаллифи, режиссёри ва оператори Д. Салимов.

Ҳозирги пайтда қаҳрамон-шаҳар Волгоградда ёдгорлик бўлиб турган — Улуғ Ватан уруши йилларида Павлов уйи деб номланган бинони ҳимоя қилишда ўзбек жангчиси Камол Турғунов ҳам қатнашган эди. Орадан қирқ йил ўтгандан кейин К. Турғунов қуролдош ва жанговар дўстлари билан ана шу тарихий ёдгорликда бўладиган учрашувга йўл олди. Янги кинолента ана шу ҳақда ҳикоя қилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 23 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 14—16, эртага кундуз 32—33 даража иссиқ бўлади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

Мамлакатимиз қаҳрамон шаҳарларининг меҳнаткашлари ташаббуси билан 1985 йил 4 май куни совет халқининг 1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик бўлиб ўтди.

Коммунистик шанбалик уюшқоқлик билан ўтиб, юксак меҳнат унумдорлиги қайд этилди. Олдиндан олинган маълумотларга кўра, шанбаликда 154 миллион киши иштирок этган, 185 миллион сўм иш ҳақи ёзилиб, 905 миллион сўмлик саноат маҳсулоти чиқарилган. Шанбалик кунида совет кишилари ўзларининг ватанпарварлик бурчларини адо этиб, меҳнатларини фашизм устидан тарихий Ғалабани таъминлаган, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган кишилар хотирасига бағишладилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликда актив иштирок этган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга, ёшларга, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, уруш ва меҳнат ветеранларига, барча кишиларга фидокорона ва беминнат меҳнатлари учун самимий миннатдорчилик билдирадилар.

Меҳнаткашларнинг истакларини ҳисобга олган ҳолда шанбаликда ишлаб топилган маблағни уруш ва меҳнат ветеранлари учун госпиталлар ва касалхоналар қурилишига, уларга медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, жанговар шон-шуҳрат ёдгорлик жойларини ободонлаштиришга, Москва шаҳрида 1941 —1945 йиллар Улуғ Ватан урушида совет халқининг Ғалабаси ёдгорлиги қурилишига сарфлашга қарор қилинди.

ЛЕНИНГРАД ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

(Боши биринчи бетда).

Прокат цехида уруш йилларидаги Ленинград мудофаасининг қатнашчиси, катта вальцовкачи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Я. Прокофьев билан дилкаш суҳбат бўлиб ўтди. Ленинград ишчилари, деди у Михаил Сергеевичга, Ватанимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва янада гуллаб-яшнатишга қаратилган дадил тадбирларни астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Бош трактор конвейерида ва цехларда бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида ишчилар, инженер-техник ходимлар, бирлашманинг бош директори С. П. Чернов, партком секретари В. З. Казаченков корхона уч юз мингдан ортиқ «Кировец» трактори ишлаб чиқарганлигини Михаил Сергеевичга гапириб бердилар. Ҳозир тракторларнинг қувватини ва моторесурсини оширишга оид ишлар олиб борилмоқда. Трактор-созлар қишлоқ хўжалигини қудратли машина-ускуналар билан таъминлашга ўзлари қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга интилиб, Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажардилар ва қишлоқ меҳнаткашларига ўнлаб «К-701» тракторлари, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва деталларини муддатидан илгари етказиб бердилар. Шу беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсишига техника тараққиёти, асбоб-ускуналар энг кўп даражада ишлатилаётганлиги ва ресурслар тежалаётганлиги ҳисобига эришилади.

* * *

Шу куни М. С. Горбачев Ғалаба майдонига бориб, у ерда Ленинграднинг қаҳрамон ҳимоячилари ёдгорлиги пойига гуллар қўйди.

У Москва майдонидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шаҳар бўйлаб сафарда М. С. Горбачевга Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, бошқа партия ва совет ходимлари ҳамроҳ бўлдилар.

ФАННИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛАШ—ЗАМОН ТАЛАБИ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Ленинградда бўлиши

ЛЕНИНГРАД. 16 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бугун куннинг биринчи ярмида «Светлана» электрон приборсозлик корхонасига борди. Бу корхона коллективи мамлакатда биринчилардан бўлиб ишлаб чиқариш бирлашмаси шарафига ишлай бошлаган эди. Ленинградликлар бирлашмадаги учрашувларда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштиришга, бошқарув ва планлаштиришни қайта қуришга, уюшқоқликни ошириш ва интизомни мустаҳкамлашга, иш услубини тубдан яхшилашга қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга интилаётганликлари ва шунга тайёр эканликлари тўғрисида гапирдилар,

Бу ерда илм-фанни саноат практикаси билан боғлашнинг энг мақбул формаси топилган эди. Шу туфайли йигирма йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш 16 баравар кўпайди, меҳнат унумдорлиги 11 баравардан зиёд ошди, ишловчилар сони эса фақат 38 процент кўпайди. Бирлашма бош директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. В. Филатов, партия комитетининг секретари И. И. Симаков, мутахассислар ва ишчилар коллектив комплекс иқтисодий ва социал ривожланиш планларини амалга ошира бориб, юксак натижаларга эришганлигини конкрет мисолларда кўрсатиб ўтдилар. Ишлаб чиқаришни ихтисослашнинг, унинг структураси ва бошқарувни такомиллаштириш, корхона ходимлари меҳнати, турмуши ва дам олиши учун энг мақбул шарт-шароитларни вужудга келтиришнинг стратегик тадбирлари ана шу планларга асос қилиб олинган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бу ерда ташкил этилган ва микропроцессор техникасини ишлаб чиқиб, тайёрлаб бераётган илмий ишлаб чиқариш комплексларининг фаолияти билан танишди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди, умумий билим савиясини, малакани ошириш учун, соғлиқни мустаҳкамлаш ва яхши дам олиш учун корхонада яратилган шароитлар билан қизиқди.

Суҳбатлар давомида фан-техника тараққиёти хўжалик механизмини янада такомиллаштиришни тақозо этаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатдаги энг йирик олий ўқув юртларининг бири — М. И. Калинин номидаги политехника институтининг аудиторияларида, лабораторияларида ва мажлислар залида қизғин ва муфассал суҳбатлар бўлиб ўтди.

М. С. Горбачев партия иқтисодий ва социал сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг йўл-йўриқларини ривожлантириш юзасидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорлар ҳақида студентлар ҳамда ўқитувчиларга сўзлаб берди. У бўлажак мутахассислар — механика-машинасозлик факультети юқори курсларининг студентлари билан суҳбатларда таълим жараёнининг ташкил этилиши билан, уларнинг сиёсий тайёргарлиги билан, физкультура ва спорт машғулотлари учун қандай шароитлар яратилганлиги, студент ёшларнинг бутун турмуши билан батафсил қизиқиб суриштирди.

Институт коллективи фан-техника тараққиёти талабларига ва олға томон ҳаракатимизни жадаллаштириш заруратига мувофиқ таълим жараёнини сабот билан қайта ташкил этмоқда. Олий ўқув юртининг ректори Ю. С. Васильев ўн биринчи беш йиллик мобайнида шу олий мактабда ўн етти янги мутахассислик ва ихтисослашувлар, шу жумладан автомат лойиҳалаш системалари, робот техникаси, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси каби ҳамда бошқа ихтисослар бўйича инженер кадрлар тайёрланаётганлигини маълум қилди.

Суҳбатларда ва ўз сўзларида студентлар КПСС Марказий Комитети яқинда қабул қилган ҳамда инженерлар меҳнатининг роли ва обрў-эътиборини оширишга қаратилган тадбирларни қизғин маъқулладилар.

Улар комсомол группалари ишининг турли жиҳатлари тўғрисида гапирдилар.

Институт талабалари КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини батамом қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар ҳамда бўлғуси мутахассислар сифатида Коммунистик партия мамлакат олдига қўядиган ҳар қандай топшириқларни бажаришга тайёрмиз, деб ваъда бердилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари мамлакат олий мактабининг ҳозирги куни ва келажаги тўғрисида институтда бўлиб ўтган суҳбатларга якун ясаб, студентларга мурожаат этиб айтдики, ёш авлод яқин вақт ичида фан ва техниканинг ривожлантириш ишини, социалистик Ватаннинг янада шитоб билан ривожланиб бориши учун масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим бўлади.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Ватан уруши йилларида Ленин шаҳрини ҳимоя қилиш вақтида ҳалок бўлган ленинградликлар ва жангчилар хотирасини Пискарев ёдгорлик қабристонида ҳурмат билан эсга олди. Она-Ватан монументи пойига гулчамбар қўйилди.

Қўзғолон майдонида қаҳрамон шаҳар Ленинград обидасига гуллар қўйилди.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, САМОГОН ҚИЛИШНИ ТУГАТИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Ҳар бир микрорайонда ичкиликбозликка қарши кураш ва бу соҳада профилактик ишлар ташкил этилиши учун ички ишлар органларининг масъулияти оширилсин. Айниқса, қишлоқ жойларда хонадон шароитида самогон қилиш, ўткир спиртли ичимликларни сотиш, сотиб олиш ва сақлаш билан, шунингдек спиртли ичимликларни олиб сотиш билан шуғулланувчи кишилар ўз вақтида аниқланиши таъминлансин, бундай кишилар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилсин.

СССР Министрлар Совети СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети зиммасига алкоголизмга қарши пропаганда юзасидан аҳолининг турли ёш ва касб группаларига мўлжалланган, шунингдек мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг муаллимлари томонидан тарбиявий ишда фойдаланишга аталган илмий-оммабоп адабиётлар ва илмий-методик материаллар, плакатлар, буклетлар, эсдаликлар миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш вазифасини, СССР Кинематография давлат комитети ҳамда СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети зиммасига бадиий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп кино ҳамда телефильмлар ишлаб чиқаришни, алкоголизмга қарши кураш мавзуида ичкиликбозликнинг социал-ахлоқий жиҳатдан зарарини тушунтириб берадиган, шунингдек унинг олдини олиш соҳасидаги илғор тажрибани тарғиб қиладиган радиоэшиттиришлар миқдорини кўпайтириш, давлат ва касаба союз кино тармоғида ҳамда телевидение орқали фильмларни кенг миқёсда кўрсатишни таъминлаш вазифасини юклади.

Ишдан ташқари, бўш вақтдан фойдаланиш ва спорт машғулотлари учун яхшироқ шароитларни яратиш мақсадида СССР Госпланига, СССР Госстройига, СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга мўлжалланган плани лойиҳасини ишлаб чиқишда, айниқса, шаҳарлардаги янги уй-жой районларида ва қишлоқларда кинотеатрлар, маданият саройлари ва уйлари, клублар, кутубхоналар, спорт иншоотлари ва умумий овқатланиш корхоналари қурилишини кўзда тутиш топширилди. Коллектив боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари гражданлар истиқомат қиладиган жойда спорт ишини ривожлантириш ва спорт иншоотлари қурилиши учун уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари даромадларининг 3 процентини ажратиш нормасини белгилаб қўйсинлар.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари маданият саройлари ва уйларини, клублар, кутубхоналар, спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва кенгайтиришни ўз қарамоғидаги корхона ва ташкилотларнинг шу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлари ҳисобига амалга оширишни таъминласинлар. Яқин йилларда ҳар бир меҳнат коллективи энг оддий спорт иншоотларига эга бўлишига эришилсин.

СССР Министрлар Совети халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига тегишли ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар ва колхозлар билан, шунингдек касаба союз комитетлари билан келишиб, мазкур бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва колхозларнинг физкультура-соғломлаштириш ва маданий-оммавий ишни ривожлантириш учун молиявий планлар (сметалар)да кўзда тутилган пул маблағларини клублар ва спорт иншоотлари қурилишига марказлаштиришга ижозат берди.

СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари техника ва бадиий ижодкорлик машғулотлари учун зарур бўлган слесарлик ва дурадгорлик асбобларини, авто ва мотозапас қисмларини, кино ва фото материалларни, бадиий бўёқлар ва мўйқаламларни, чала тайёр маданий-маиший ва рўзғор ашёларини, турли-туман кондициясиз материалларни, саноат ишлаб чиқаришнинг кўркамлаштирилган ва махсус тайёрланган ярочли чиқитларини савдога етказиб беришни кўпайтириш ва аҳолига сотишни кенгайтириш учун қўшимча чоралар кўришлари лозим.

СССР Давлат банкига, СССР Давлат меҳнат омонат кассаларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини, шунингдек колхозчиларнинг меҳнат ҳақини омонат кассалари орқали тўлаш практикасини ҳар томонлама кенгайтириш таклиф қилинди. СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ишчи ва хизматчиларга асосий иш якунлари ва айрим топшириқларни бажарганлиги учун тўланадиган мукофотларни навбатдаги иш ҳақи билан айни бир вақтда тўлаш практикасини жорий этиш ҳам таклиф қилинди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ва Центросоюзга колхозлардан, совхозлардан ва аҳолидан ортиқча мева, узум, резавор мева харид қилишни кўпайтириш, уларни янгилигича, қуритиб ва музлатиб аҳолига сотишни кенгайтириш, бу маҳсулотларни қайта ишлаб, мураббо, компот, жем ва шарбатлар тайёрлаш, шунингдек уларни асосан қадоқлаб, ўралган тарзда ишлаб чиқариш топширилди.

Корхоналарнинг, шу жумладан колхозлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг гражданлардан хонадон шароитида тайёрланган вино ва вино материалларини харид қилишлари тақиқланди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, савдо тармоғига эга бўлган бошқа министрликлар ва идораларга арақ ва ликер-арақ маҳсулотларини фақат ихтисослаштирилган магазинларда ёки озиқ-овқат магазинларининг алоҳида ажратиб қўйилган махсус бўлимлари (секциялари)да сотишга ўтишни яқин йилларда туғаллаш таклиф қилинди.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилишлар, ўқув юртлари, ётоқхоналар, болалар муассасалари, касалхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, вокзаллар, пристанлар ва аэропортлар, маданият муассасалари ва томошахоналар яқинидаги савдо корхоналарида, меҳнаткашлар оммавий равишда сайил қилиб хордиқ чиқарадиган жойларда ва майда чакана савдо тармоғида спиртли ичимликларни сотиш, шунингдек санаторийларда, дам олиш уйларида, профилакторийларда, туристик базаларда ва туристик юришларда, меҳнаткашларнинг коллектив бўлиб дам олишга чиқишларини ташкил этишда, жамоат транспортининг ҳамма турларида спиртли ичимликларни сотиш ва истеъмол қилиш тақиқланди.

21 ёшга етмаган кишиларга спиртли ичимликлар сотишга рухсат берилмайди. Иш кунларида виноарақ соат 14 дан кейингина сотилсин.

СССР Госплани билан СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига арақни майда идишларда чиқаришни кенгайтиришни кўзда тутиш топширилди.

СССР Министрлар Совети шуни белгилаб қўйдики, спиртли ичимликларни сотиш тартиби (СССР ҳукуматининг қарорлари билан тартибга солинадиган масалалар бундан мустасно) областларга бўлинмайдиган иттифоқдош республикаларда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан, бошқа иттифоқдош республикаларда автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари томонидан, Москва ва Ленинград шаҳарларида Москва шаҳар ижроия комитети ва Ленинград шаҳар ижроия комитети томонидан маҳаллий шароитлар эътиборга олиб белгиланади.

СССР Министрлар Совети:

иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, СССР Савдо министрлигига ва Центросоюзга спиртсиз ичимликлар сотиладиган чойхоналар, закусканхоналар, шунингдек кафелар ва барлар тармоғини янада кенгайтиришни кўзда тутишни; умумий овқатланиш корхоналарида аҳолига хизмат қилиш маданиятини ошириш чораларини кўришни; оилавий дам олиш эҳтиёжларини (оилавий овқатланиш, оилавий, болалар, ёшлар байрамларини уюштиришни) эътиборга олиб хизмат қилиш формаларини ривожлантиришни топширди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Ички ишлар министрлиги билан келишиб, 1986-1990 йилларда ўз ишлаб чиқариш базасига эга бўлган даволаш-меҳнат профилакторийларини қуриб, ишга туширсинлар.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари 1985—1990 йилларда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, ўлка ва область марказларида спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган ва алкоголизмга мубтало бўлган кишиларга (номини қайд этмай) профилактика медицина ёрдами берадиган хўжалик ҳисобидаги наркология кабинетлари ва амбулаторияларини ташкил этсинлар; оғир дардларни, айниқса, сил касаллигини келтириб чиқарган сурункали алкоголизмга йўлиққан беморларни мажбуран даволайдиган махсус наркология бўлимларини ва қишлоқ жойларда районлараро наркология диспансерларини очишни жадаллаштирсинлар.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги наркология диспансерларида корхоналарда алкоголизмга қарши пропаганда ташкил этиш ҳамда спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган ва алкоголизмга мубтало бўлган кишиларга профилактика медицина ёрдами берадиган махсус кабинетлар, шунингдек бундай кишиларни (номини қайд этмай) даволайдиган кабинетлар барпо этсин; республика, ўлка ва область наркология диспансерларида алкоголдан мастлик ҳолатини аниқлаб берадиган кечаю кундуз ишлайдиган кабинетлар ташкил этсин.

Медицина саноати министрлиги 1985-1990 йилларда спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган кишиларга профилактик ёрдам бериш ва сурункали алкоголизмга йўлиққан беморларни даволаш учун ишлатиладиган дори-дармонлар ишлаб чиқарилишини таъминласин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги наркология муассасалари тармоғи ривожланишини назарда тутиб, нарколог врачлар ва наркология фельдшерларни тайёрлашни кенгайтириш тадбирларини амалга оширсинлар.

СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника давлат комитети ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўргатиладиган ижтимоий-сиёсий, гуманитар ва табиий фанлар курсларида алкоголизмга қарши тарбия масалаларини кўзда тутсинлар.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми «Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Мазкур Фармонда ичкиликбозликка қарши кураш, самогон қилишга қатъиян чек қўйиш, жамоат тартибини ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, паркларда, ҳамма хилдаги жамоат транспортида ҳамда, спиртли ичимликларни қуйиб сотишга халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети рухсат берган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари, бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик ёки жамоат жойларида инсоннинг қадр-қимматини ва ижтимоий одоб-ахлоқни таҳқирлаб, маст ҳолда пайдо бўлганлик учун огоҳлантириш тарзида ёки йигирма сўмдан ўттиз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади.

Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо тадбирлари қўлланилгандан кейин бир йил давомида яна такрорланган тақдирда, ўттиз сўмдан эллик сўмгача штраф солиш тариқасидаги маъмурий жазога тортишга сабаб бўлади.

Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик ёки маст ҳолда пайдо бўлганлик учун бир йил давомида икки марта маъмурий жазога тортилган шахс шундай ҳаракатлари учун эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий-жазога тортиладилар ёки унга иш ҳақининг 20 проценти ушлаб қолинган ҳолда бир ойдан икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши тариқасида жазо берилади, алоҳида ҳолларда эса ишнинг ҳолатига қараб ва тартиббузарнинг шахсини назарда тутиб, ана шу чораларни қўлланиш етарли эмас, деб топилган тақдирда, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига тортилади.

Ишлаб чиқаришда (иш жойларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг бинолари ва территорияларида) спиртли ичимликлар ичганлик ёки ишга маст ҳолда келганлик учун ўттиз сўмдан эллик сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади.

Ишлаб чиқаришда ўз қўл остидаги ходимлар билан спиртли ичимликлар ичиб юрган ёки маст ҳолда ишга келган шахсларни ишдан четлаштириш чораларини кўрмаган, ёхуд спиртли ичимликлар ичиш ҳолларини ёки ўз қўл остидаги ходимларининг ишга маст ҳолда келишини яширган мастерлар, участка, смена, цех бошлиқлари ва бошқа раҳбарлар эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазога тортиладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ бузувчилик ҳолларини содир этган шахсларга нисбатан маъмурий жазо билан бир қаторда интизомий жазо чораси ҳам қўлланилиши мумкин.

Сотиш мақсадини кўзламай уйда самогон, чача, арақ, тут арағи, брага (хонаки пиво) ёки бошқа ўткир спиртли ичимликлар тайёрлаганлик ёхуд уларни сақлаганлик, сотиш мақсадини кўзламаган ҳолда бундай ичимликларни ишлаб чиқарадиган аппаратларни тайёрлаганлик ёки сақлаганлик жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Уйида тайёрланган самогон, чача, арақ, тут арағи, брага ва бошқа ўткир спиртли ичимликларни сотиб олганлик учун ўттиз сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўлланилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганликлари учун уларга эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади.

Балоғатга етмаган болани маст қилишга сабабчи бўлган ота-оналар ва бошқа шахслар, агар бундай ҳаракат ўз хусусияти жиҳатидан жиноий жавобгарликка тортишга олиб келмаса, эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазога тортиладилар.

Бойлик орттириш мақсадида арақ ва бошқа спиртли ичимликларни унча кўп бўлмаган миқдорда сотиб олганлик ва уни қайта сотганлик учун чайқовчилик буюмлари мусодара қилиниб, эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазога тортишга сабаб бўлади. Бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар халқ судьяси томонидан иттифоқдош республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган тартибда алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади.

Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ва маст ҳолда пайдо бўлиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлими (бошқармаси)нинг бошлиғи ёки унинг ўринбосари бир сутка ичида кўриб чиқадилар ва улар ҳуқуқ-тартиботни бузган шахсга нисбатан маъмурий огоҳлантириш ёки штраф солиш тариқасида маъмурий жазо қўлланадилар.

Ахлоқ тузатиш ишлари ёки қамоқ жазоси тариқасидаги маъмурий жазо халқ судьяси томонидан берилади. Маъмурий қамоқ жазоси бериш тўғрисидаги қарорни ички ишлар органлари майда безорилик қилганлик учун берилган маъмурий қамоқ жазосини ижро этиш хусусида белгиланган тартибда ижро этадилар.

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссияларга ишлаб чиқаришда спиртли ичимликлар ичганлик ёки иш жойига маст ҳолда келганлик ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганликлари учун бундай шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш ҳуқуқи берилди.

Ички ишлар (милиция) органларига самогон ва бошқа ўткир хонаки спиртли ичимликларни сотиб олганлик учун маъмурий жазога тортиш ҳуқуқи берилди. Ана шундай маъмурий ҳуқуқ бузишлар тўғрисидаги ишларни халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлими (бошқармаси)нинг бошлиғи ёки унинг ўринбосари кўриб чиқади.

Ушбу Фармонда кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахс, башарти содир этилган ҳуқуқ бузиш ҳолларининг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахси ҳисобга олиниб, унга жамоатчилик йўли билан таъсир кўрсатиш чорасини қўлланиш мақсадга мувофиқ деб топилса, унинг ишига оид материаллар кўриб чиқиш учун ўртоқлик судига, жамоат ташкилоти ёки меҳнат коллективига топширилиб, бундай шахс маъмурий жавобгарликдан озод қилинади.

Мастлик билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарлик қилгани учун маъмурий жазо чоралари қўлланилган шахслар корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан касаба союз комитетининг розилиги билан шу корхона, муассаса, ташкилотнинг йиллик иш якунларига кўра бериладиган мукофотлар ва бошқа рағбатлантиришлардан, дам олиш уйлари ва санаторийларга имтиёзли йўлланмалар олишдан тўла ёки қисман маҳрум этилишлари мумкин; уларнинг уй-жой майдони олиш навбати орқага сурилиши мумкин.

Фармон 1985 йилнинг 1 июнидан бошлаб кучга киради.

Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларига СССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони асосида иттифоқдош республикалар қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифаси топширилди.

ГЕОГРАФИЯ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон олимлари космик фотосуратлар асосида тузган Уст-Юрт ясси тоғи, Амударёнинг қуйи қисмлари, Шимоли-ғарбий Қизилқум табиатини муҳофаза қилиш ва уларнинг атроф-муҳитини яхшилаш хариталари, Жанубий Орол бўйининг ландшафти хариталари халқ хўжалиги турли тармоқлари мутахассисларига ана шу регионларда мелиорация ишларини самарали юритишда, янги ерларни ўзлаштиришда, яйловларни вужудга келтиришда ёрдам бермоқда. Ўзбекистон ССР География жамиятининг 16 май куни Тошкентда ўз ишини тамомлаган иккинчи съездида ана шулар ҳақида гапирилди.

Ҳозирги пайтда географик тадқиқотларнинг талайгина қисми халқ хўжалиги турли тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб ўтказилаётганлиги таъкидланди. Мактаблар ва олий ўқув юртларида географияни ўқитишни такомиллаштириш, махсус дарсликлар тайёрлаш соҳасида ҳам катта иш олиб борилмоқда. Географ олимларнинг бу йўналишдаги фаолияти умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш талабларига асосланмоқда.

Сайлов бўлиб ўтди. Республика Геология министрлиги нефть ҳамда газ конлари геологияси ва разведкаси институтининг директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, СССР Давлат мукофоти лауреати А. М. Акромхўжаев яна Ўзбекистон ССР География жамиятининг президенти этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти ўртоқ М. С. Горбачев совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 1985 йил 8 май куни «Совет халқининг ўлмас жасорати» мавзуида қилган докладни ўзбек тилида босиб чиқарди.

Китобча кўп нусхада чиқарилди.

(ЎзТАГ).

Суриядан келган меҳмонлар

Ўзбекистон ирригаторларининг ютуқлари билан танишиш учун Сурия Араб Республикаси делегацияси Тошкентга келди. Делегация составида сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш компанияларининг директорлари, мутахассислари бор.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида бўлиб ўтган суҳбат вақтида меҳмонларга республикада қўриқ ва бўз ерлар планли равишда ўзлаштирилаётганлиги тўғрисида сўзлаб берилди.

Суриядан келган делегация Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди.

Программага мувофиқ, Самарқандга сафар қилинади, Ўзбекистоннинг турли районларидаги гидроузеллар, бошқа сув хўжалиги объектлари бориб кўрилади.

(ЎзТАГ).

УЙҒУНННИНГ 80 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН



Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Уйғуннинг шеърияти ҳаммамиз учун севимли. Унинг шеърлари асосида яратилган дилбар қўшиқлар дилларга ором бағишламоқда, драматик асарлари асосида қўйилаётган спектакллар республика театрлари саҳнасидан тушмай келаётир.

Совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари, самарали жамоатчилик фаолияти учун ҳамда туғилган кунига 80 йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан ёзувчи Уйғун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Биз заҳматкаш адиби кўпчилик оқшомхонлар номидан Ватанининг олий мукофоти билан чин юракдан табриклаб, унга янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

УЙҒУН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ шоири.

ЗАФАР ҚЎШИҚЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун Улуғ Ватан урушн йилларида қаламни қуролга айлантириб, кишиларни ватанпарварликка чорлаган жўшқин шеърлар, достон ва драмалар ёзган заҳматкаш ижодкорларимиздандир. У барча совет ёзувчиларн қаторн халқимизнинг ғалабага бўлган ишончнн, совет кишиларнинг буюк шижоатн, қаҳрамонлигини тараннум этдн. Биз бугун ҳоқлн шоирнинг уруш йилларида ёзилган шеърларидан айрим намуналарни оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Партизанлар

Ўтиб кетди қишлоқдан уруш,
Фақат бунда қолди қонли из...
Мудҳиш жимлик. Қишлоққа томон
Чиқиб келди ўрмондан бир қиз...
Дили пора, юзлари сўлғин,
Кўзларида беҳад ҳаяжон.
Кезиб чиқди қишлоқни буткул:
Ерда ётар ўликлар ҳамон.
Жон кўринмас, барчаёқ хароб,
Истагани топилмас унда.
Гўдак укасининг мурдаси
Қовжираган, қорайган кунда...
Юзини тирнаб фарёд этди қиз,
Фарёдига келди бир кампир.
Қиз қучоқлаб кекса онани,
Йиғлаб деди:— сўйла қандай сир?
Қани қизлар, қани ўртоқлар?
Қани кўклам? Қани гўзал ёз?
Қани гуллар? Қани булбуллар?
Қани шодлик, қўшиқ, кулги, соз?
Қани меннг гуллаган боғим?
Қани колхоз, қани гул ҳаёт?
Қани меннг бахтиёр чоғим?
Сўзла она, ёриламан... дод!
Ҳаяжонда қалтироқ қўллар
Қизни силар юпатган каби.
Азоб чеккан кекса онаннг,
Шивирлади қавжироқ лаби:
— Гулларинг ҳам, гўзал боғинг ҳам,
Ёшлигинг ҳам, бахтли чоғинг ҳам,
Булбуллар ҳам, кўклам ҳам, ёз ҳам,
Қўшиқлар ҳам, кулги ҳам, соз ҳам,
Интиқомга, ғазабга тўлиб,
Қасд этишиб ёвнинг жонига,
Барчаси ҳам партизан бўлиб,
Кетди партизанлар ёнига.

1942 йил, июль.

Эслаш

Гарчи сиз ундасиз, биздан узоқда,
Гарчи орамизда айрилиқ, ҳижрон,
Лекин хаёлимиз сиз юрган ёқда,
Қалбимиз, севгимиз сиз билан ҳамон...
Чаманларни бўйлаб эсганда сабо,
Ғунчалар тўлғониб очганда қабо,
Боғларда барқ уриб очилганда гул,
Ҳаёт ишқи билан сайраса булбул,
Шафтоли, узумлар шарбатга тўлса,
Кўк юлдузлар билан чароғон бўлса,
Олтин табассум-ла кулганда қуёш,
Қувноқ чақалоқлар қўтарганда бош,
Шеър ўқилганда, чалинганда соз,
Яллалар фалакка этганда парвоз,
Ҳаёт ва бахт нури қиздирса танни,
Ҳарнеки эслатса Улуғ Ватанни,
Ҳаяжонга тўлиб сизни ўйлаймиз.
Ширин суҳбатларда сизни сўйлаймиз.
Сиз унда, биз бунда, ўртада ҳижрон,
Ва лекин муқаррар висол кунлари.
Сиз келибсиз ғолиб, ўлкани қоплар
Зафар қўшиқлари, шодлик унлари...

1942 йил, октябрь.

Москванинг кулгиси

Нур қўйнида букун Москва,
Нур тошқинн кўмибди тунни.
Ҳар дераза, ҳар фонарь букун
Беркитибди ўзига кунни.
Москвамиз букун чароғон,
Бу зафарнинг нурли кулгуси.
Бу жилодан ўз чироғига
Нур оладн ғолиб келгуси.
Москванинг кулгиси порлоқ,
Ғалабанинг тонги барқ урди.
Нур тўлқини зулматни мангу
Жаҳаннамнинг қаърига сурди.

1945 йил, апрель.

МЕҲНАТ ВА ТИНЧЛИК КУЙЧИСИ

«Биз тинчлик истаймиз!»— қарорнмиз шу!
Тинчлик миллионларнинг оғзида шнор!
Яшасин дунёда тинчлик ва дўстлик!
Яшасин тинч меҳнат, саодат, баҳор.

Шу кунларда жамоатчилик ўзбек совет адабиётига таъмал тошини қўйганлардан бири, забардаст адиб, шоир ва драматург, моҳир таржимон, етук олим, жамоат арбоби Уйғуннинг қутлуғ тўйини муборакбод этмоқда. Файзли инсоннинг ҳар қадами файзли бўлганидек, Уйғуннинг таваллуд тўйи ҳам файзли кунларда ўтяпти.

Шоирнинг қўлига қалам тутқазган Октябрь қуёшининг ҳаётбахш нурлари эди. Бу нурларнинг шарофати туфайли, Буюк Ленин ғоялари шарофати туфайли бахт топган «миллионлар бахтини» завқ билан куйлаган шоир баҳор, меҳнат ва меҳнаткаш инсон тақдирини ўз тақдири билан бир деб билди. Совет мактаби, педагогика техникуми, Самарқанддаги Педакадемия ва ниҳоят катта ижодшкларини очиб берган ҳам Октябрь қуёши эканини ёшликданоқ чуқур ва мамнун ҳис этган Уйғун ўз ижодида социалистик реализм методига мустаҳкам суянди, амал қилди. Бунинг сабабини ижодкорнинг ўзи қуйидагича изоҳлайди: «Социалистик реализм турмушни социализмнинг енгиш тенденцияси нуқтаи назаридан қараб туриб, ҳаққоний равишда тўла сабот билан ифодалаб берувчи, давримиз-нинг талабига бирдан-бир мос бўлган ҳақиқий санъат методидир...»

Шоирнинг қаҳрамони «фабрикада нурлар қўйнида ишлаб, завққа тўлган» меҳнаткаш инсон. Унинг орзу-умидлари, севгиси, дил рози ва ёрнинг нози Уйғунга туганмас илҳом манбаи бўлди:

Ишчилар шаҳарнинг қалбида
Келажакка асос тузмоқда,
Иродали қўллар, пок диллар
Меҳнат денгизида сузмоқда.

«Меҳнат денгизида сузган», «иродали қўллар»нинг нималарни қилишга қодирлиги айниқса «Коммунизмнинг гул боғларига» шеърида яққол ифодаланган:

Узоқ йиллар бўйсунмай оққан
Кучли Чирчиқ тан бераётир.
Қалби бўстон бўлиб шу қизил ўлка,
Электр, машиналн ҳаётга
Қучоғини кенг кераётир.

Уйғун бутун ижоди давомида меҳнатда зафар қучган инсонни куйлади ва айниқса бу куй Улуғ Ватан урушн йилларида жўшқин жаранглади, жанговарлик касб этди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ шоирнинг ҳар бир сатрида ғалабага ишонч руҳи мағрур янгради:

Келсин, десанг, қайтадан булбул,
Уссин, десанг, қайтадан лола,
Ёвдан қасос оламан, дея
Қасамёд эт, кўтар пиёла!
Дала қондан покланснн, десанг,
Узоқларга кетсин десанг ғам,
Фашистларни битирмоқ учун
Қурол олиб жангга кир сен ҳам!
(«Лолалар»).

Жанговар чақириқдай жаранглаган бу сатрлар Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби забардаст ўзбек совет шоирлари овози билан ҳамоҳанг эди.

Уйғун Ленинград қамалда қолган оғир кунларда ҳам ғалаба муқаррар эканлигини башорат қилиб, революция бешигини тебратган муқаддас шаҳар учун мардона жанг қилмоқлик муқаддас бурч эканини кўтаринки руҳда, ноэик дид билан тасвирлайди. Бу тасвирда биз халқ бахшилари ишлатган усулни кўрамиз, содда, саммий мисраларни ўқиймиз. Шоир кутурган ёв дағдағасига қаршн метин иродали совет кишисининг жасоратини қўяди ва «саодат домно ботирларга ёр» деган хулосага келади. Оғир дамларда ҳам ғалабага тўла ишонч руҳи барчани қамраб олади:

Сен билан биргадир бутун мамлакат
Чунки зулматга қўл бўлмас офтоб,
Чунки Пушкин юрар Нева бўйида,
Чунки бизникидир келажак замон.
Зафар машъалини ёндирнб мағрур.
Ленин Смольнийда ўлтирар ҳамон.

Улуғ Ватан урушидан сўнг шоир тинч меҳнатни, дўстликни тараннум этган «Саодат йўли», «Салом келажак», «Яна яқинлашди биз борар манзил», «Баҳордай яшнаган бахтинг» каби шеърларида Волга, Аму, Днепр дарёларини ўз измига юргизаётган қаҳрамон совет халқининг меҳнат жасоратини куйлади.

«Ҳар битта гулни кўз нуридай асраётган» сувчидан тортиб, фазогиргача, шоир назарида, келгуси авлодга бахтиёр, тинч, осойишта ҳаёт яратаётганлар. Коммунизмнинг забардаст қалб тепиши эшитилиб турган ҳаётнинг поймол бўлишини асло истамаймиз деган хитоб шоирнинг тинчликка бағишланган «Тинчлик кабутари», «Тинчлик куйлари», «Жим қолиш мумкинмас» каби шеърларидан қизил ип каби ўтади.

Истаймиз асло
бомба зарбидан
Боғу роғимизнинг кул бўлишнни.
Истаймиз ҳеч вақт
озод элларнинг
Уол-стритга қул бўлишнни.
Тинчликсеварларнинг
қарорн қатъий,
Ишончи, қудрати шу
қадар зўрки:
Бахт юлдузи сўнмас,
сира бузилмас
Баҳорнинг чиройи,
дунёнинг кўрки!

Ўзбек совет адабиётида Уйғун асосан муҳаббат темасида ёзган забардаст шеърлари билан машҳурдир. Унинг бу шеърларида шахсий, интим муҳаббат халқ ва Ватан муҳаббати билан уйғунликда куйланади. Балки шоир таҳаллусининг маъноси ҳам шу ерда очилур. Қалби халқи қалбига уйғун эканини чуқур ҳис этганлиги туфайли танланган бу таҳаллус. Сўзимизни шоирнинг қуйидаги икки мисра шеъри билан якунламоқчимиз:

Амин бўл, халқ учун
ҳалн неча бор
Бой мазмунга тўлиб
жаранглар торим.

Ҳа, биз миннатдор ўқувчилар шоир сўзларининг ҳақлигига ишонамиз. Ҳассос лирик шоир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, қатор орденлар кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Уйғундан янги, мазмундор, жозибали асарлар кутишга ҳақлимиз.

Саодат ТЎРАБЕКОВА,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти.



● Пойтахтимиз меҳмонлари

Анъанани ривожлантириб

Тошкентда Қозоғистон ССР Давлат уйғур музикали комедия театрнинг гастролларн бошланди. Мухбиримиз театр бош режиссерн, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби К. Жетписбаев билан учрашиб, ундан ижодий коллективнинг тарихи ва бугунги кунн ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради.

— Аввало театр тарихига назар ташлаб ўтайлик,— дейди К. Жетписбаев.— Олмаотадаги Горький ва Фурманов кўчалари муюлишида жойлашган мўъжазгина миллий бинода 1934 йил кузининг оқшомларидан бирида карнай ва сурнай, сато ва дуторларнинг овози баралла янгради. У уйғурларнинг кўп асрли тарихида биринчи марта профессионал театр туғилганлигидан дарак берди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси уйғурларнинг ҳаётини тубдан ўзгартирди. 1918 йилда Олмаотада Семиречиенинг кўзга кўринган сиёсий арбоблари Абдулла Рўзибоқиев, Исмоил Тоировлар ташаббуси билан очилган миллий уйғур клуби аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш марказига айланди. 1919 йилдаёқ дастлабки уйғур сатирик комедияси А. Рўзибоқиевнинг «Менсаппарast» асари намойиш этилиб, унда дастлабки уйғур артистлари А. Тоиров, М. Рўзибоқиев, Г. Муҳаммадиев ролларн ижро этдилар.

Уйғур музикали драма театрининг фаолияти «Анорхон» спектакли билан бошланган. Театр коллективи драматурглар А. Садиров ва Ж. Асимовлар билан ҳамкорликда яратган бу ўзига хос музикали драма ярим асрдан буён саҳнамиздан тушмаётир. Театрнинг дастлабки спектакллари халқ оғзаки ижоди намуналари асосида яратилган И. Сатторов ва В. Дьякованнинг «Ғариб ва Санам», С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра», Ю. Мухлисовнинг «Насриддин Афанди», Н. Ҳикматнинг «Фарҳод ва Ширин» сингари постановкаларидир.

В. И. Ленин образининг яратилиши театр тарихида ёркин саҳифалардан бири бўлди. 1956 йилда И. Поповнинг «Оила» пьесаси саҳналаштирилди. Артист М. Боқиев Ленин ролини ижро этди. Доҳий туғилган кунининг юз йиллигига атаб, ана шу анъанани давом эттирган театр коллективи жаҳон пролетарматининг доҳийси барҳаёт образини куйлаш мақсадида Н. Погодиннинг «Учинчи патетик» асарини саҳналаштирди. Қозоғистон ССР халқ артисти М. Боқиев яна бош ролни муваффақиятли ижро этди.

Театр коллективи ҳамиша ўзининг миллий жиҳатларини, анъаналарни, халқ оғзаки ижоди намуналарини сақлашга ҳаракат қилади.

Уйғур театри мамлакатимизда ягона бўлиб, биз унинг доирасида барча жанрларни яна ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз, шунинг учун ҳам қадимий музика маданиятимиз тўлатўкис ривожланиб бормоқда. Бу борада «Наво» фольклор миллий ансамбли хизмати катта бўляпти. Ансамбль яқиндагина Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар ўтказди. Бундан ташқари театр қошида Қозоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Ёшлик» вокаль чолғу ансамбли ишлаб турибди.

Ижодий коллектив репертуардан ўрин оладиган саҳна асарларини ранг-баранг қилиш мақсадида Шекспирнинг «Отелло», Гоголнинг «Уйланиш», Гольдонининг «Меҳмонхона бекаси», Горькийнинг «Зиковлар», Мольернинг «Дворянлар оиласидаги мешчанин» сингари классик асарларга, мамлакатимиз ва чет эл адабиётининг энг яхши асарларига, камер ва эпик спектакларга, комедия ва трагедия асарларига тез-тез мурожаат этмоқда. Ҳозирги пайтда шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, ёш уйғур драматургияси ўзининг мазмунли асарлари билан томошабинлар даврасига кенг кириб бормоқда.

Ижодий коллективимиз мамлакатимиз қардош халқларининг асарларига ҳам тез-тез мурожаат этмоқда. Шу жумладан Ҳамза, К. Яшин, С. Аҳмад сингари ўзбек адибларининг асарлари саҳналаштирилди.

1981 йил бизнинг коллективимиз учун унутилмас йил бўлиб қолади. Ўшанда уйғур театри Москвага гастроль сафари билан борди. «Правда» газетаси театримиз коллективи олиб бораётган яхши анъаналар, ўз санъатини ривожлантиришдаги изланишлари, кўпмиллатли санъатлар тарихида янги саҳифа очганлигини таърифлади.

— Тошкентлик томошабинлар коллектив ижросида қандай саҳна асарларини кўришга муяссар бўладилар?

— Биз Тошкентга қилган бу галги сафаримизда Ж. Розиевнинг «Жазо», қирғиз драматурги М. Байжиевнинг «Шанба оқшомида» асарларини ва «Ғариб ва Санам» миллий музикали фольклор асарини кўрсатамиз. Биз Саид Аҳмаднинг пьесаси асосида тайёрланган «Келинлар қўзғолони» спектаклига томошабинларнинг бераётган баҳосини сабрсизлик билан кутамиз.

Гастролларимиз ёш томошабинлар рус давлат театри биносида ўтади, 22 майдан 26 майгача В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети маданият саройида эса «Наво» ва «Ёшлик» ансамбллари ўз программасини намойиш этади.

Сиз азиз тошкентлик томошабинларни спектакларимиз ва концертларимизда кутамиз!

* * *

СУРАТДА «Жазо» спектаклидан кўринишн.

ПАХТАЗОРЛАР УЧУН АНТИБИОТИКЛАР

Илгари антибиотик ишлаб чиқариш учун фойдаланиб келинган аспергил замбуруғи пахтазорлар учун ҳам яхшигина «шифокор» экан. Бу замбуруғ чигит экиш билан бир вақтда тупроққа солинса, экинни илтдан ҳимоя қилади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг Учқўрғон районидаги «Москва» колхозида ўтказган тажрибалари шуни кўрсатдики, замбуруғнинг ўсиб борувчи биологик массаси хавфли касалликнинг қўзғатувчисини қалок қилади. Натижада ўсимликнинг илт билан зарарланиш эҳтимоли анча камаяди, пахта ҳосилдорлиги эса гектарига беш центнер ошади.

Институт олимлари триходерма ва пенициллиум замбуруғларини ҳам тадқиқ этдилар, Тажрибаларнинг кўрсатишича, бу замбуруғлар ҳам пахтачиликка катта фойда келтиради. Дастлабки ҳисобларга караганда экинни илтдан ҳимоя қилишнинг анъанавий чоралари — алмашлаб экиш, навни алмаштириш, суғоришнинг тўғри режими ва бошқа агротехника жараёнлари замбуруғдан фойдаланиш билан қўшиб олиб борилса ўн мингдаб тонна «оқ олтин» сақлаб қолиш имконини беради.

ДАШТДА ЎРМОН

Қизилқумда янги ўрмон массиви бунёд этилди. 17 минг гектардан ортиқ майдонга саксовул кўчатлари ўтқазилди. Саксовулзорлар Қоракўл райони хўжаликларининг далаларини ва атроф яйловларини қум кўчкиларидан ҳимоялайди.

Бу яшил массив дашт га режали ҳужум бошлаган маҳаллий ўрмон хўжалиги территориясининг бир қисмига айланди. Ўрмончилар айни вақтда мевали боғлар ҳам барпо этмоқдалар.

— Қумлоқ ерларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари тобора кенгайиб бормоқда, — деб ҳикоя қилади ўрмон хўжалиги директори Ш. Юсупов. — Хўжалик машина-механизмлар катта паркига эга ва малакали мутахассислар билан таъминланган. Эндиликда ҳар йили 10—15 минг гектар майдонга саксовул кўчатлари ўтқазилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

● ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

Минг хосиятли дарахт

Шотут тутдошлар оиласига мансуб бўлиб жуда кенг тарқалган дори-дармон дарахтдир. Нордон, хушхўр меваси киши организмининг фаолиятини яхшилайди. Таркиби витаминларга, кислоталарга бой. Бир сўз билан айтганда, дардларнинг давоси, севимли ноз-неъматдир. Афсуски, кейинги вақтларда эътиборсизлик туфайли бу ажойиб дарахт кескин камайиб кетди.

Шотут дала-даштларда, шаҳар-қишлоқларда, тог-адирларда ўсади. Ўсимлик ва экинларни табиий офатлардан муҳофаза қилиб, ҳосилга-ҳосил қўшади. Элни ўз неъматлари билан бахраманд қилиб умрга-умр қўшади. Шотутнинг барча хосиятларини санаб чиқиш қийин. Унинг турган битгани киши учун кони фойда. Фақат ундан моҳирлик билан фойдаланиш керак.

Бунинг учун тегишли ташкилотлар, жумладан мевачилик билан шуғулланадиган мутассасаларда, ўрмончилик ва боғдорчилик хўжаликларида кенг кўламда кўпайтириш тадбирларини ўйлаш зарур.

М. ТЎЙЧИЕВ,
табиатшунос.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН ¿ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ихтирочилар ва рационализаторлар ҳиссаси

УЛАН-БАТОР. Монголия ихтирочилари ва рационализаторлари жамияти ишлаб чиқаришга ижодкорлигини янада кенг жалб этиш мақсадида Монголия ихтирочилари ва рационализаторлари жамияти раҳбарлик қилмоқда. Ҳозирги вақтда бу жамиятга ўн мингдаб киши аъзодир. Жамият ташаббуси билан кўрик-конкурслар уюштирилмоқда, кўргазмалар ташкил қилинмоқда ва кўпгина бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларни ўз ишига ижодий муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда муҳим восита бўлиб қолди.

Фан-техника революцияси ютуқларини, новаторлик ечимларни ва илғор тажрибани оммалаштириш ва ёйишда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ёрдами билан Улан-Баторда ташкил қилинган илмий-техника маркази ҳам катта роль ўйнамоқда.



ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатда Совет Иттифоқи ва бошқа Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларн кучайтирилмоқда.

СУРАТДА: Катовицадаги «Феррум» қувурлар ва оғир металл конструкцияларн ишлаб чиқарадиган заводнинг цехларида. Бу ерда СССР буюртмаларн бажарилмоқда.

БУДАПЕШТ. Секошфехерварда ташкил қилинган илмий-техника маркази олдига хом ашёдан иккиламчи фойдаланувчи саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари коллективларининг илғор тажрибасини ҳар бир кишига ўргатиш вазифаси қўйилди. Марказ мутахассислари ишлаб чиқариш чиқиндилари ва иккиламчи хом ашёдан оқилона фойдаланиш юзасидан ҳукумат программасини амалга ошириш ишини умумлаштирадилар, тажриба алмашишдан фойдаланиш имкониятини таҳлил қиладилар, Венгриядаги шу соҳага оид проблемалар билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари билан маҳкам алоқа боғлайдилар.

***

ГААГА. Голландиядаги энг катта Амстердам шаҳрида Исроилнинг Ливанга нисбатан агрессив сиёсатига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар коллонналари Ливан халқининг озодлик ва мустақиллик учун кураши билан бирдаммиз, деган шиорларни кўтариб, шаҳар кўчаларидан ўтди. Шундан кейин бўлиб ўтган митингда Исроил қўшинларини Ливандан дарҳол чиқариб юбориш ва Ливан диёрида бедодликни тўхтатиш талаби баён этилган ҳужжат қабул қилинди.

***

ВЕНА. Бу ерда оммавий ташкилот — Австрия — Совет жамияти ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган тантаналн йиғилиш бўлди. Бу ташкилот иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Йиғилишда Австрия федерал президенти Кирхшлегер, министрлар, парламент аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг раҳбар арбоблари, дипломатия корпусининг аъзолари иштирок этдилар.

Нотиқлар ўз нутқларида жамият Совет Иттифоқи билан Австрия халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссани уқтирдилар. Ҳозирги вақтда жамият ташкилотлари Австрия республикасининг ҳамма ўлкаларида ташкил қилинган. Жамият олиб бораётган иш шунга ёрдам қилмоқдаки, Совет — Австрия муносабатлари ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг ўзаро манфаатлари ҳамкорлиги ғоялари амалга оширилаётганлигини кўрсатувчи яққол мисол бўлиб хизмат қилмоқда.

***

САН-ФРАНЦИСКО. Сакраменто, Сан-Франциско ва бошқа шаҳарларда АҚШ маъмурияти-нинг Марказий Америкадаги интервенциячилик йўлига қарши янги оммавий норозилик намойишлари ўтказилди. Бу намойишлар жамоат ва диний ташкилотлар кенг коалициясининг ташаббуси билан уюштирилди. Намойишчилар Оқ уй Никарагуага қарши қабул қилган савдо-сотиқни тақиқлаш ва бошқа камситувчи тадбирларнинг бекор этилишини талаб қилдилар. Улар Марказий Америкада Вашингтон ўтказаётган зўравонлик ва дўқ-пўписа сиёсатини қатъиян қораладилар. Намойишчиларни тарқатиб юбориш учун полициячилар ташланди, 300 дан кўпроқ киши қамоққа олинди.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ГДРда КИТОБ ҲАФТАЛИГИ

БЕРЛИН. ГДРда анъанавий китоб ҳафталиги тугади. Бу йил ҳафталик гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалабанинг ва немис халқи нацист вахшийларидан озод этилганлигининг 40 йиллигинн байрам қилиш белгиси остида ўтди. Корхоналарда ва олий ўқув юртларида, кутубхоналар ва концерт залларида китобхонларнинг ёзувчилар ва шоирлар билан кўпгина учрашувлари бўлиб ўтди, кейинги йил ичида мамлакат нашриётлари чиқарган янги китоблар кўргазмалари, адабий-музика кечалари уюштирилди.

ГДРда ҳар йили май ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказиладиган китоб ҳафталиги 1933 йилнинг 10 майида тараққийпарвар ёзувчи ва шоирларнинг китобларини ўтга ташлаган фашистларнинг жиноятларидан бирини эслатишдир. Китоб ҳафталиги Совет Иттифоқи халқларининг маданий-тарихий меросини, жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини сақлаб қолишда берган ёрдамига билдирилган миннатдорлик белгисидир. ГДР ташкил этилганлигининг дастлабки йилларидаёқ марксизм-ленинизм, Гете ва Шиллернинг, Гейне ва Горькийнинг, Островский ва Брехтнинг асарлари нашр этилган эди. Айни ўша вақтда кўплаб немислар рус ва совет адабиётининг бойлиги билан биринчи марта танишдилар.

Бугунги кунда мамлакатнинг маданий ҳаётини совет ёзувчилари ва шоирларининг асарларисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар йили республикада чет эл муаллифлари нашр этилаётган китобларининг 40 процентдан кўпроғини Шолохов ва Симонов, Айтматов ва Гранин, Быков ва Тендряков, Евтушенко ва Рождественский асарлари ташкил этади. 1945 йилнинг майидан бошлаб мамлакат нашриётларида жами тиражи 3,9 миллиард нусхада салкам 195 минг номдаги китоб нашр этилди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ ОҚШОМИ
17 МАЙ, 1985 й.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қабул пунктларида абонементлар бериладиган кунларда В. ШИШКОВнинг «ЕМЕЛЬЯН ПУГАЧЕВ» (уч китобдан иборат) **китобига абонементлар берилади.**

17 ва 24 майда ҳар бир қабул пунктида 50 тадан абонемент тарқатилади.

18, 19, 25 ва 26 майда ҳар бир қабул пунктида 100 тадан абонемент тарқатилади.

БИР ЙЎЛА КАМИДА 10 КИЛОГРАММ МАКУЛАТУРА ТОПШИРИЛГАНДАН КЕЙИН В. ШИШКОВнинг «ЕМЕЛЬЯН ПУГАЧЕВ» китобига абонемент берилади.

Ҳар бир жилд учун 20 килограммдан ҳисобида камида 60 килограмм макулатура топширган кишилар китобнинг тўла комплектини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Фақат абонементлар тақдим қилинганида маркалар учун макулатура қабул қилинади.

Абонементлар жума куни соат 18.00 дан, шанба ва якшанба кунлари эса соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Қолган кунларда абонементларнинг маркалар тўла комплектини тўлдириш учун макулатура қабул қилинади. Макулатура ва иккиламчи хом ашё гражданлардан иккиламчи хом ашёлар учун белгиланган 52-01 прейскурантида кўрсатилган сотиб олиш баҳоларига биноан чекланмаган миқдорда қабул қилинади: топ. ширилган 1 килограмм макулатура учун 2 тийин, 1 килограмм жун, жун аралашган латта учун 16 тийин ва 1 килограмм ип газлама, каноп ҳамда қоплар учун 6 тийин.

Қабул пунктларининг ишлаш тартиби: ҳар куни жумадан ташқари — соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус 13.00 дан 14.00 гача, жума куни — 11.00 дан 20.00 гача, танаффус 14.00 дан 15.00 гача.

Макулатуралар фақат пачкаларга боғланган, турларга аж. ратилган ҳолда қабул қилинади: газеталар, китоб-журналлар, маиший картон ва ўраш қоғозлари гражданларнинг қаерда туришидан қатъий назар жонли тартиб йўли билан қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Абонементлар олиш учун макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини қабул пунктларига фаол топшириш савдо тармоқларига адабиётларнинг барвақт олиннишига хизмат қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ТУРИЗМ ИШҚИБОЗЛАРИГА!

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ
ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИНИ ТАРҚАТИШ БЮРОСИ
1985 ИИЛ ЁЗ МАВСУМИГА
Совет Иттифоқи бўйлаб қуйидаги маршрутларга

ТУРИСТИК ПУТЁВКАЛАР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1-маршрут — МОСКВА— 29, 31 май, 4 июнда (2 кишилик) **12 кунга.**
Путёвка баҳоси — 142 сўм.
27-маршрут— СЕВАСТОПОЛЬ мудофааси чегаралари бўйлаб —14 июндан 20 кунга.
Путёвка баҳоси — 135 сўм.
88-маршрут — ТВИБЕРИ ДОВОНИ ОРҚАЛИ —11 июндан 20 кунга.
Путёвка баҳоси — 122 сўм.
89-маршрут—ЗЕКАР ДОВОНИ ОРҚАЛИ ҚОРА ДЕНГИЗ. га— 8 июндан 20 кунга.
Путёвка баҳоси — 127 сўм.
401-маршрут— «ОЛТИН ҲАЛҚА» шаҳарлари бўйлаб 22 майдан 22 кунга.
Путёвка баҳоси — 236 сўм.
403-маршрут — МИНСК-СМОЛЕНСК-МОСКВА— 1 июндан 20 кунга.
Путёвка баҳоси— 214 сўм.
405-маршрут— «ОЛТИН ҲАЛҚА» ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ —25 май, 2 июндан 18 кунга.
Путёвка баҳоси—212 сўм.
415-маршрут — ТИССА БЎЙЛАБ (автобусда) **11 июндан 20 кунга.**
Путёвка баҳоси — 125 сўм.
417-маршрут — ЗАКАРПАТЬЕНИНГ ПАРТИЗАН СЎҚМОҚЛАРИ БЎЙЛАБ— 2 июндан 16 кунга.
Путёвка баҳоси — 89 сўм.
550-маршрут — АРМАНИСТОН БЎЙЛАБ —2 июндан 20 кунга.
Путёвка баҳоси — 120 сўм.
745-маршрут — ТБИЛИСИДАН — ҚОРА ДЕНГИЗГА — 22 майдан 22 кунга.
Путёвка баҳоси — 165 сўм.
853-маршрут — БИРШТОНАС-ПАЛАНГА — 25 майдан 20 кунга.
Путёвка баҳоси — 136 сўм.
881-маршрут— ИГНАЛИНА (қайиқда) **—16 июндан 20 кунга.**
Путёвка баҳоси — 72 сўм.

ТЕПЛОХОДДА

«БЕЛИНСКИЙ» ТЕПЛОХОДИДА — ЛЕНИНГРАД-АСТРАХАНГА 31 август, 20 сентябрдан 20 кунга.
Путёвка баҳоси — 495 сўм.
«В. И. ЛЕНИН» ТЕПЛОХОДИДА— Киевдан-Одессага 23 сентябрь, 7 октябрдан 12 кунга.
Путёвка баҳоси — 335 сўм.
«Г. ЖУКОВ» ТЕПЛОХОДИДА— Волгограддан-Астрахань-Волгоград— 23 августдан 20 кунга.
Путёвка баҳоси — 482 сўм.

Путёвка баҳосига яшаш, экскурсия хизмати ҳақлари кирилган.

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги адресдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 115-уй (метронинг «М. Горький» станцияси бекати). Телефон 66-26-41.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг КЎРГАЗМАЛАР ПАВИЛЬОНИДА
23 МАЙГАЧА
МЕБЕЛЛАР УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркада Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлигининг барча корхоналарида 1986 йилда ишлаб чиқарилиши мўлжалланган ва планлаштирилаётган мебеллар намойишга қўйилган.


«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 55-22-89).

РОҲАТИЖОН ИЧИМЛИКЛАР «ТАШЛИМВОДТОРГ»



ҲУРМАТЛИ МЕҲМОНЛАР
ЗИЁФАТ ДАСТУРХОНИНИ
ТЎКИН ҚИЛИШ МАҚСАДИДА
ОЛМА, МАНДАРИН, ЛИМОН, АПЕЛЬСИН, ТОШКЕНТ МИНЕРАЛ СУВИ ИЧИМЛИКЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШНИ
МАСЛАҲАТ БЕРАДИ
«ТАШЛИМВОДТОРГ» (телефон 56-57-15),

ТРИКОТАЖ
ЙИЛНИНГ ИСТАЛГАН ФАСЛИДА
ҚУЛАЙ ВА ЧИДАМЛИ



Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида баҳор фаслига атаб тайёрланган **кўйлаклар, жакетлар, жемперлари** ГУМ, ЦУМ, Фрунзе савдо маркази, «Ташгалантерейторг», «Тошкент» фирма магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.

ГУМ (телефон 42-37-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

18, 19 МАЙ СОАТ 11 ВА 17.00 ДА
СССР КУБОГИ УЧУН
КАТТАЛАР ВА ЎСМИРЛАР КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ДЗЮДО МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

МУСОБАҚАЛАРНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ 18 МАЙ СОАТ 17.00 ДА .

МУСОБАҚАЛАРДА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ТЕРМА КОМАНДАЛАРИ; МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАД ШАҲАРЛАРИНИНГ КОМАНДАЛАРИ ҚАТНАШАДИ.

Мусобақа бош судьяси — халқаро тонфадаги судья М. Б. КАМЕНЕЦКИЙ (Рига шаҳри).

Кассалар 11 дан 19.00 гача очиқ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31 (касса); 46-07-58, 46-68-77 (администратор).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети «Главташкентстрой» қошидаги
6-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-1986 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕРЧИ, ДУРАДГОР.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотн бўлган йигитлар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар ёки 30 сум стипендия (минорали кран ва экскаватор машинисти ихтисосидагилар учун 75 сўм. Ўқиш муддати шу касблар бўйича 6 ой) ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 процента билан таъминланадилар. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқиш учун йўлланма берилади.

Билим юрти қошида вокал-чолғу ва халқ чолғу ансамбллари, фото ва рассомлик тугараклари, турли спорт секциялари мунтазам ишлаб туради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт (гувоҳнома). маълумоти ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, ота-онасининг ишхонасидан справка, медицина справкаси, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 69-уй,1, 4, 17э, 101э, 63-автобусларнинг «М. Горький» метро станцияси» бекати; 17, 18-троллейбуслар, 6, 22, 13-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 1-уйсозлик комбинатига қарашли
6-ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИГА
қолипчилар, токарлар, бульдозерчилар, слесарлар, цемент омборига юкчилар.
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.
СССР Енгил саноат министрлигининг
ИШГА ТУШИРИШ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИГА
вентиляция, совутиш ва компрессор қурилмалари, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича катта инженерлар ва инженер-созловчилар; бухгалтер-экономист. Иш командировка билан боғлиқ.
Ёлғиз кишилар ва оиlaликлар командировка қилинган жойларида ётоқхона билан таъминланадилар.
ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
ишчилар.
СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
тикувчи-мотористкалар, дазмолловчилар, нормаловчилар, контролёр-кийиб кўрувчилар,
ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ КОРХОНАЛАРГА
ОТК контролёрлари, контролёр мастерлари, токарлар, электромонтёрлар, ускуналар бўйича электриклар, слесарлар, ўт ёқувчи машинистлар.
ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА
изолировкачилар, футеровкачилар, ғишт терувчилар, қурувчи инженерлар, инженер-химиклар, лойиҳа-смета бюроси бухгалтерлари.
ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИГА
сотувчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОНИ ПУНКТИ —Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ— 2-квартал, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ— М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 50-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ— Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Қорасарой кўчаси 270-уй;
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Чилонзор массиви, 22- квартал, 13-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 18/V дан **бошлаб СССР халқ артисти В. Оскал-Оол раҳбарлигидаги совет цирки усталарининг томошалари** (19.30).

КИНО

17 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТРЮКЧИ»— **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-35-43).
«ҚАДРДОН УМРАО» —**Ватан** (18.30, 21.00); **Москва** (18.30, 31.40); **Восток** (17, 20.30; телефон 91-14-23).
«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-47-74).
«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ»— **Фестиваль** (21.30).
«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» —**Хива** (21.30).
«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда).
«ТАҚДИР ҲОКИМИ» —**Қозоғистон** (17, 18, 21.00; телефон 35-24-92), **К. Ерматов номли** (17, 20.00).
«ШАҲЗОДА ВА ГАДО» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).
«ТУТСИ» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).
«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

18 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТРЮКЧИ» — **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-35-43).
«ҚАДРДОН УМРАО»— **Ватан** (18.30, 21.00); **Москва** (18.30, 20.40), **Восток** (17, 20.30; телефон 91-14-23).
«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-47-74).
«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ»— **Фестиваль** (21.30).
«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» —**Хива** (21.30).
«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда).
«ТАҚДИР ҲОКИМИ» —**Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **К. Ерматов номли** (17, 20.00).
«ШАҲЗОДА ВА ГАДО» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).
«ТУТСИ» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).
«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«МОСКВИЧ» КРЕДИТГА СОТИЛАДИ

«Узспортторг»нинг Фарҳод ярмаркасидаги 14-магазинида барча маркадаги «Москвич» енгил автомобиллари
КРЕДИТГА СОТИЛМОҚДА

«Узспортторг»нинг республика ихтисослаштирилган савдоси (телефон 35-00-84).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

«ТАШГОРШВЕИБИТ» саноат бирлашмасининг «ЎЗБЕКИСТОН» МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЙИ НАМОЙИШ ЗАЛИДА
18 МАЙ СОАТ 12.00 ДА
«УЗШВЕЙТРИКОТАЖБИТ» саноат бирлашмасининг
РЕСПУБЛИКА МОДАЛАР УЙИДА ТИКИЛГАН ЯНГИ МОДАЛИ КИЙИМЛАРНИНГ
НАМОЙИШИ ЎТКАЗИЛАДИ
МОДЕЛЬЕР - РАССОМЛАР ТОМОНИДАН КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР БЕРИЛАДИ.
Билетлар намойиш залига кириш жойида намойиш бошланишидан 2 соат олдин сотилади.
Адрес: Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 29-«а» уй. Телефон 33-34-33.

105-шаҳар ёрдамчи мактаб-интернати коллективи мактаб директори Л. Қ. Нуъмоновага турмуш ўртоғи
Ботир Қахназарович СОЛИҲОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университети амалий физика илмий-текшириш институти дирекцияси, партия ва жамоат ташкилотлари катта илмий ходим, физика-математика фанлари кандидати
Асад Қодирович ҚОСИМОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТВ


ЖУМА

17 МАЙ
● МТ I
19.05 «Фавқулодда автобус». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Кел, алмашайлик». Мультфильм премьераси.
19.40 «Шу куннинг почтаси». Кўрсатувни снёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
20.15 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Н. Сличенконинг ижодий кечаси.
23.25 «Дунё воқеалари».
23.40 Тинчлик велопойгаси. ПХРдан олиб кўрсатилади.
● МТ II
18.30 Янгиликлар.
18.45 Ўқитувчига — музика саботи. 7-синф. 2-кўрсатув.
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Пьер Пуйяд» денгизга отланди». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
20.30 «Туннингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи.
21.15 «Альфа-альфа». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Автобус ҳайдовчиси». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-серилар.
● ЎзТВ I
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстларимиз планетаси» (рус.).
18.50 А. П. Чехов. «Илтимос» (такрорий).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Автомобилда саёҳат». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти О. Алимахсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бригада пудратига — кенг йўл».
22.30 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти О. Хўжаев.
23.40 Янгиликлар.
● ЎзТВ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
19.30 Ўқитувчилар учун консультация. Музика дарсларида ўқувчиларни меҳнат таълимига ўргатиш.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чақмоқ сари бораман». Бадиий фильм. 2-серия. (рус.).

ШАНБА

18 МАЙ
● МТ I
9.00 «Время».
9.40 «Музлаги иншоо». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
9.55 «АБВГДейка».
10.25 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
12.05 «Сиз бунга қодирсиз».
12.50 Халқаро музейлар куни.
13.30 «Ҳаммаси йўлдан бошланади». Телефильм премьераси.
14.20 «Монологлар». Фильм-концерт премьераси. А. Брицциннинг О. Берггольц шеърларига ёзган қўшиқ-балладаларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Пахоменко ижро этади.
14.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.10 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Сантур» (Ҳиндистон).
15.35 «Дунё воқеалари».
15.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.50 Снёсий шарҳловчи Г. В. Прянхин суҳбати.
17.20 «Найда». Мультфильм премьераси.
17.35 «Никарагуа: ғалабага қатъият». Телефильм. Автор — снёсий шарҳловчи И. Фесуненконинг кириш сўзи билан бошланади.
18.40 «Цирк майдонида».
19.15 «Усимликлар олами».
20.00 Халқ куйлари.
20.15 «Капитан Фракасс». Телевизион бадиий фильм премьераси. Т. Готьенинг романи мотивлари асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Торпедо» (Москва). 2-тайм.
22.45 С. Алёшин. «Ўшанда, Севилядa». Телеспектакль.
00.10 Тинчлик велопойгаси. ПХРдан олиб кўрсатилади.
● МТ II
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.00 «Музей портрети». Телефильм.
10.25 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Калинка» халқ чолғулари оркестри чалади.
10.55 ТОМСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.10 «Ягона сафда». Останкино концерт студиясида музикали кўрсатув.
13.40 «Саёҳатчилар клуби».
14.40 «Стадион ҳамма учун».
15.15 Болалар учун фильм. «Эшикни очинг, биров келди».
16.30 «Москванинг катта соврини». Стендга ўқ отиш бўйича халқаро мусобақалар.
16.45 «Калевала». Петрозаводск шаҳридаги фин Давлат драма театри фильм-спектаклининг премьераси.
18.30 «Дўстларимиз чеҳраси».
19.20 Мультконцерт.
19.50 «Тинчлик. Меҳнат. Май». Шеърий композиция.
20.20 «Эринчоқлар учун спорт». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Туннингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро обзор».
21.00 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ю. Рябчинская хотираси учун халқаро мусобақалар.
21.30 «Время».
22.00 «Кутамиз, қайтиб кел». Телевизион бадиий фильм.
23.20 Г. Попов. 3-симфония.
● ЎзТВ I
10.00 «Ахборот».
10.25 «Дўстлик тароналари». Концерт.
11.25 «Агар соғлом бўлай десанг». Физкультурачиларга маслаҳатлар (рус.).
11.55 «Ҳужжатли кино экрани».
12.40 «Буни ҳамма билиши ва удалашн керак».
13.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Олтин элак». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
18.55 «Фан уфқлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Киносаёҳатчилар альманахи».
20.00 «ЎзССР санъат музейи заллари бўйлаб».
20.30 «Ахборот» (ўзб).
20.50 «Сув полосиз». Манзарали фильм.
21.00 «Хива вақти билан роппароса соат еттида». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.00 Ўзбекистон Ижодий союзларининг Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган қўшма пленуми. Тошкент Кино уйидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.
● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
17 МАЙ, 1985 йил.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.
Р—12261.